

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

КАЗАКОВА МУНИРА НАРЗИКУЛОВНА

**«БАЗАЛЬТ - СЕРПЕНТИНИТ» КОМПОЗИЦИЯСИДА СУЮҚЛАНМА
ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА УЛАР АСОСИДА МИНЕРАЛ ТОЛА ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15- Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Казакова Мунира Нарзикуловна

«Базальт -серпентинит» композициясида суюқланма ҳосил бўлиши ва улар асосида минерал тола олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 5

Казакова Мунира Нарзикуловна

Расплавообразование в композиции «базальт-серпентинит» и разработка технологии получения на их основе минерального волокна..... 21

Kazakova Munira Narzikulovna

Melt formation in the “basalt-serpentinite” composition and development of technology for producing mineral fiber based on them 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

КАЗАКОВА МУНИРА НАРЗИКУЛОВНА

**«БАЗАЛТ - СЕРПЕНТИНИТ» КОМПОЗИЦИЯСИДА СУЮҚЛАНМА
ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА УЛАР АСОСИДА МИНЕРАЛ ТОЛА ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15- Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Т4105 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эминов Азизжон Ашрапович техника фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Сабилов Бахтиёр Тохтаевич техника фанлари доктори, катта илмий ходим Искендеров Ахмет Максетбаевич техника фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Навий давлат кончилик ва технологиялар университети

Диссертация иши ҳимояси ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг « 12 » Июль 2024 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionx@academy.uz).

Диссертация иши билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2024 йил «27» июнь куни тарқатилди.
(2024 йил «27» июньдаги №25 рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Усанбаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ж.С. Шукуров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

Ш.С. Намазов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий
семинар раиси, т.ф.д., проф., академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ишлаб чиқариш соҳасида янги минерал ресурс конларини, ҳамда турли саноат чиқиндиларни жалб этган ҳолда маҳаллий хомашё базасини кенгайтириш муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Ноёб хоссаларга эга бўлган минерал толалардан иссиқликни ҳимояловчи материаллар ишлаб чиқаришда магматик жинслар, жумладан базальт, порфирит, габбро, диабазлар энг истиқболли хомашё бўлиб, улар кимё-минералогик жиҳатдан барқарор, экологик ва ёнғинга хавфсизлиги билан устунликка эгадир. Турли мамлакат етакчи олимлари базальт толасини XXI асрда дунёвий техник тараққиётни ривожлантиришдаги материалшунослигининг асоси деб ҳисоблашади. Базальт толалари хоссалари бўйича юқори кўрсаткичларга, яъни уч маротаба кўп иссиқликни ҳимояловчи хусусиятига эга бўлган ҳолда ҳозирги кунда фойдаланилаётган канцероген асбестни тўлиқ ўрнини эгаллаши билан катта аҳамият касб этади.

Дунёда магматик жинслар ва улар синфига турдош хомашё минераллардаги пишиш, суюқланма ҳосил бўлиш, фазавий ўтиш жараёнларини ўрганиш бўйича кенг илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга имкон берувчи модификацияловчи қўшимчалар билан базальт толасини олишга; турли ҳарорат ораликларида учламчи системаларда бошланғич компонентларнинг кислоталик ва ёпишқоқлик модулларини ҳисобга олган ҳолда аралашма қайнашидаги физик-кимёвий жараёнларни бошқариш; фазавий ўтиш натижасида, янги минерал кристалл фазаларини ҳосил бўлишининг, бошланғич компонентларнинг кимё-минералогик таркиблари ва ҳароратга боғлиқлигини асослаш; ишлаб чиқилган рецептура асосидаги базальт аралашмаси асосида минерал момиқ олишнинг технологик режимларини аниқлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда магматик жинслар асосида иссиқликни ҳимояловчи материаллар ишлаб чиқаришда уларнинг физик-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни Тараққиёт стратегиясида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар ошириш, ноанъанавий норуда хомашё ва иккиламчи ресурсларни жалб этган ҳолда хомашё базасини кенгайтириш ва “Яшил иқтисодиёт”¹ доирасида чиқиндисиз технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хомашёлар асосида иссиқликни ҳимояловчи материаллар учун базальт толали минерал момиқ олишнинг паст ҳароратли технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни Тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

60-сон “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт Стратегияси”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси” тўғрисидаги Фармонлари, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий усувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожланишининг VII “Кимёвий технология ва нанотехнология фанлари” усувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нашр этилган адабиёт манбаларида минерал тола олиш учун юқори ҳароратда суюқланма ҳосил бўлиш жараёнига, тола хоссаларининг физик-кимёвий таҳлилига, базальт суюқланмасининг паст ҳароратли қайнашига, минерал хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида базальт толали материаллар таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқишга, ҳамда уларнинг физик-механик ва технологик хоссаларини яхшилашга қаратилган илмий изланишлар кенг ёритилган. Бу борада илмий изланишлар А.А.Ботвинкин, П.П.Будников, М.Китайгородский, К.Горняй, Ю.П.Горлов, А.Меркин, А.В.Хандошка, Б.И.Ворожцова С.Г.Власова, А.А. Устенко, Д. Джигирис, М.Ф. Максов, В. Дубровский, Д.Зимин, Н.Ходаков, Н. Аблесимов, С.Buratti, E.Moretti, M.Francesca, F.Akkurt, M.Barczewski, C.Seghini ва бошқа етакчи олимларнинг илмий мактаблари томонидан олиб борилган.

Республикада маҳаллий ноанъанавий магматик ва тошсимон минерал хомашё ресурслари асосида, турли саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, тошдан қуйиш усули билан кўпгина мақсадлардаги иссиқликни химояловчи материалларни олиш бўйича бир катор тадқиқотлар Н.А.Сиражиддинов, А.А.Исмаев, З.Р.Қодирова, П.А.Арифов, Ш.А.Файзиев, Д.Д. Гуламоваларнинг ишларида ўз аксини топган.

Аммо, муайян натижаларга эришилган бўлсада, иссиқликни химояловчи материаллар учун “базальт-серпентинит-микрокремнезём” учламчи композицияси асосида минерал момик, тола олиш бўйича иқтисодий, ҳамда экологик жиҳатларни ҳисобга олган ҳолдаги ишлаб чиқариш технологиялари тўғрисида ишончли ва илмий асосланган маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассаса илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170920189 “Норуда хомашё

ва иккиламчи ресурсларни комплекс қайта ишлаш йўли билан иссиқликни ҳимояловчи оловбардош ва керамик материалларни импорт ўрнини босувчи таркиблари ва олиш технологияларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “базальт-серпентинит” композициясида суюқланма ҳосил бўлишни тадқиқ этиш ва улар асосида минерал тола олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқ этилаётган Арватен кони базальт ва серпентинит хомашё компонентларининг кимё-минералогик таркиблари, физик-кимёвий хоссалари, ҳамда “Ўзметкомбинат” АЖ чиқиндиси - микрокремнеземнинг асосий хусусиятларини аниқлаш;

базальт, серпентинит ва микрокремнезем асосидаги иккиламчи ва учламчи система намуналарининг қаттиқ фазали реакциялари, пишиш жараёнлари, эриш ва физик-механик хоссаларини аниқлаш;

базальт, серпентинит ва микрокремнезем асосидаги системаларда фазавий ўтиш, минерал фаза ҳосил бўлиш ва эриш жараёнларини аниқлаш, ҳамда улар асосида мақбул таркиблар соҳасини аниқлаш;

пишиш физик-кимёвий жараёнларини ўрганиш ва базальт суюқланмасини олиш учун тажрибавий базальт аралашмалари таркибларини ишлаб чиқиш;

“базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи композициясида ишлаб чиқилган таркиблар асосида минерал момиқ олиш учун базальт суюқланмасининг ёпишқоқлигига боғлиқ равишда қайнатишнинг технологик режимларини ишлаб чиқиш;

олинган минерал момиқ тажриба намуналарининг физик-кимёвий ва технологик хусусияларини аниқлаш, ҳамда тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш шароитида синаш йўли билан апробациядан ўтказиш ва кутилилаётган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Арватен кони базальти ва серпентинити, ҳамда “Ўзметкомбинат” АЖ ферросилиций ишлаб чиқариш чиқиндиси - микрокремнезем ва минерал момиқнинг тажриба намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич компонентларнинг юқори ҳароратда пишишини, тошдан суюқланма ҳосил қилиш ва қайнаш жараёнларини, базальт-серпентинитли тола ва минерал момиқ тажриба намуналарининг физик-кимёвий, физик-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш, лаборатория тадқиқоти ва ишлаб чиқаришдаги тажриба синов йўли билан мақбул таркибларини ва суюқланма ҳосил бўлишнинг технологик режимларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари (рентгенспектриал, рентгенфазали, дифференциал термик, ИҚ спектроскопик электрон микроскопик), шиша ва тошдан куйиш технологияларининг анаъанавий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли мақсадлардаги иссиқликни ҳимояловчи материаллар учун илк бор минерал момиқ олишда “базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи системада базальт суюқланмасини олиш имкониятлари асосланган;

магматик, тошсимон хомашё ресурслари ва аморф микрокремнеземнинг кимё-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хусусиятлари, ҳамда уларнинг минерал момиқ тажриба намуналарининг суюқланма ҳосил бўлиш жараёнларига, физик-кимёвий ва технологик хоссаларига таъсири аниқланган;

базальт, серпентинит ва микрокремнезем асосидаги иккиламчи ва учламчи системаларда 900-1450°C ҳароратларда қаттиқ фазали пишиш жараёнида янги кристалл фаза структураларининг ҳосил бўлиши аниқланган;

хомашё компонентларининг диопсид, авгит, магнетит, форстерит ва тридимит минералларининг кристалл фаза структураларини ҳосил қилиб, фазавий ўтиш қонуниятлари асосланган;

микрокремнезем иштирокидаги базальт-серпентинит аралашмаси асосидаги иккиламчи ва учламчи системаларда суюқланма ҳосил бўлиш жараёнлари ва учламчи диаграммада мақбул таркиблар соҳаси аниқланган;

учламчи система асосидаги мақбул омукта таркиблари ва базальт аралашмасининг 1400-1450°C ҳарорат оралигида қайнашининг технологик режимлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Арватен кони базальти ва серпентинитларининг кислоталик ва ёпишқоқлик модулларини ҳисобга олган ҳолда микрокремнезем билан биргаликда базальт серпентинитли тола таркибини ишлаб чиқиш ва олиш учун фойдаланиш имкониятлари асосланган;

компонент таркиблари ва базальт суюқланмасидан унинг ёпишқоқлигини ҳисобга олган ҳолда, тола чўзишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган, ҳамда ишлаб чиқилган таркибдаги базальт аралашмасидан паст ҳароратда қайнаш технологияси асосида минерал момиқ олиш мақбуллаштирилган;

янги рецептура асосида олинган минерал тола намуналари ишлаб чиқариш шароитида тажриба синовидан ўтказиш йўли билан апробация қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий таҳлил ва минерал момиқ олиш технологиясининг анъанавий тадқиқот усуллари натижалари, ҳамда янги рецептура асосида олинган минерал тола намуналари ишлаб чиқариш шароитида тажриба саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қаттиқ фазали пишиш сабабли янги кристалл фазаларнинг структура ҳосил қилиши, “базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи системаси бошланғич компонентларнинг фазавий ўтишлари ва суюқланма ҳосил қилишлари, қайнаш жараёнларининг асосланганлиги, ҳамда базальт- серпентинитли тола асосидаги минерал момиқнинг физик-кимёвий, физик-механик ва технологик кўрсаткичларининг хомашё компонентларининг концентрация таркибларига, кислоталик ва ёпишқоқлик модулларига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари аниқлашлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, илк бор учламчи система асосида технологик хоссалари яхшиланган минерал момиқнинг янги энергия ва ресурстежамкор таркиблари, ҳамда паст ҳароратда олиш технологияси ишлаб чиқилган ва мақбуллаштирилган, шунингдек, ушбу технологик ўзгариш хомашё базасини кенгайтиришга, металлургия чиқиндисидан ишончли ва оқилона фойдаланишга, суюқланма ҳосил бўлиш ва қайнашдаги ишлаб чиқариш сарфини қисқартиришга, амалдаги стандарт талабларга мос келган талаб даражасидаги маҳсулот олишда уларнинг иқтисодий даражасини бирмунча оширишга ва ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи системасида суюқланма ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш, маҳаллий минерал хомашё ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиб, минерал момиқнинг яратилган таркиби ва ишлаб чиқаришнинг паст ҳароратли технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“базальт-серпентинит-микрокремнезем” системасидан фойдаланиб, минерал момиқ олиш учун ишлаб чиқилган таркиб “BASALT WOOL” ҚҚнинг “2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“BASALT WOOL” ҚҚнинг 2024 йил 29 январдаги 89-сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган таркибни жорий этиш натижасида амалдагига нисбатан 3,5 баробар арзон минерал пахта ишлаб чиқариш имконини беради;

маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида минерал момиқ олиш технологияси “BASALT WOOL” ҚҚнинг “2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“BASALT WOOL” ҚҚнинг 2024 йил 29 январдаги 89-сонли маълумотномаси). Натижада, паст ҳароратида қайнатиш асосида амалдаги стандарт талабларга мос келган иссиқликни ҳимояловчи материал олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 та хорижий ва 3 та республика илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари

тавсифланган, республика фан ва технологиялари Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Магматик ва тошсимон хомашё ресурслари асосида иссиқликни ҳимояловчи материаллар тадқиқотининг замонавий ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг илмий тадқиқот натижаларининг таҳлили батафсил баён этилган. Олинган маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Базальт толали материаллар олиш технологияси, ҳамда турли саноат чиқиндиларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган базальт суюқланмасини таркиб ва хоссаларини, уларнинг кислоталик ва ёпишқоқлик модулларига боғлиқлиги бўйича хорижий давлатлар ва маҳаллий муаллифларнинг чоп этилган маълумотлари муҳокама қилинган. Бундан ташқари, турли мақсадлардаги иссиқликни ҳимояловчи материаллар учун базальт толаси асосида минерал пахтанинг самарадор таркибини ва ишлаб чиқариш технологияси яратиш бўйича ишлар олиб борилган. Натижада нашр этилган ишларни танқидий таҳлил қилишда ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Минерал момиқ олиш учун Арватен магматик ва тошсимон хомашё ресурсларининг бошланғич намуналарини тайёрлаш. Уларни амалга оширишнинг асосий усуллар”** деб номланган иккинчи бобида Республика магматик ва тошсимон минерал хомашё ресурслари ва турли саноат чиқиндилари асосида иссиқликни ҳимояловчи материаллар базальт толасининг тажрибавий намуналарининг бошланғич компонентларни тайёрлаш усуллари бўйича маълумотлар келтирилган. «Базальт-серпентинит-микр кремнезем» учламчи композицияси асосидаги тажриба намуналарининг физик-механик ва технологик хусусиятларини тадқиқ этишда турли мақсадлардаги базальт толали иссиқликни ҳимояловчи материаллар, жумладан минерал момиқ ишлаб чиқариш учун амалдаги стандартлар қўлланилган. Шундай қилиб, базальт толали намуналарнинг физик-кимёвий, физик-механик ва технологик хоссалари, ҳамда уларни олишнинг технологик режимлари комплекс тадқиқ этилган.

Диссертациянинг **“Арватен кони магматик ва тошсимон хомашё ресурсларининг хусусиятлари ва иссиқликни ҳимояловчи материаллар учун минерал тола таркибини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида Арватен кони магматик тоғ ва тошсимон жинслари – базальт ва серпентинит, ҳамда Республиканинг “Ўзметкомбинат” АЖ ферросилиций ишлаб чиқариш металлургия чиқиндиси микр кремнезем танлаб олинган ва базальт тола омукта таркибини ишлаб чиқиш учун уларнинг аналитик, рентгенофлуорисцент, рентгенофазавий, дифференциаль-термик, электрон-микроскопик, ИҚ-спектроскопик ва энергодисперсион каби комплекс тадқиқотларининг натижалари келтирилган.

Фойдаланилган хомашё компонентларининг кимёвий таркиби, кислоталик ва ёпишқоқлик модулларини аниқлаш натижалари 1-жадвалда келтирилган. Таъкидлаш лозимки, минерал пахта учун кислоталик модули ГОСТ 4640-2011 бўйича 1,2-2,0 дан кам бўлмаслиги керак.


1-Жадвал

Арватен кони базальт ва серпентинит намуналарининг кимёвий таҳлил натижалари

Намуналар номи	Оксидлар миқдори, мас.%										К.Й., мас. %
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	TiO ₂	Fe ₂ O ₃	FeO	CaO	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	SO ₃	
Арватен базальти	36,03	12,04	0,11	14,76	1,15	13,01	8,02	1,78	0,79	0,23	11,78
Арватен серпентинити	36,82	2,26	0,10	7,11	1,09	1,15	39,57	1,01	0,11	0,25	10,31
Микрокремнезем	85,00-89,00	0,70-0,90	-	1,10-1,50	-	3,50-4,00	2,70-3,00	-	-	0,40-0,60	-

Изох: Куйдиришдаги йўқотишларга (К.Й.) гигроскопик, конституцион, кристаллизацион сувлар, органик ва учувчан моддалар, ҳамда углерод (IV) оксид киради.

Тадқиқ этилаётган хомашё материалларининг, ҳамда куйдирилган базальт ва серпентинит намуналарининг кимё-минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқ этилаётган Арватен базальт ва серпентинит намуналарининг минералогик таркиблари рентгенфазавий усулда аниқланган бўлиб, натижалари 1-расмда келтирилган.




1-Расм. Арватен кони базальт (а) ва серпентинит (б) намуналарининг рентгенограммалари

Арватен кони базальтидан олинган тажриба намуналарининг рентгенфазавий таҳлил натижалари асосий жинс ҳосил қилувчи бўлиб кварц, альбит ва хлоритлар бўлишини кўрсатади. Серпентинит намуналарининг рентгенограммаси жинс ҳосил қилувчи серпентин, ҳамда майда доначали магнетит минералларига тегишли бўлган дифракция максимумларининг юзага келганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, иккинчи даражали минераллардан мос равишда кварц, хлорит, тальклар иштирок этади. серпентинит намуналарининг эриш ҳарорати 1260 дан 1275°C гача ўзгариши табиий минерал жинсининг бир турдаги эмаслиги эҳтимоллигининг сабабидир.

Рентгенфазавий таҳлил натижасида “Ўзметкомбинат” АЖ ишлаб чиқаришининг микрокремнезем намуналарида, кремний оксидининг аморф

кўринишда иштирок этиши аниқланган. Микрокремнеземнинг магнит фракцияси кремния кристалли, магнетит, гематитлардан, ҳамда жуда оз миқдорда α -кварц, α -тридимит ва β - кремний карбидларидан таркиб топган. Магнит бўлмаган фракциясида α - CaSiO_3 , $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{SiO}_2$, $\text{Ca}(\text{Mg},\text{Fe})_3(\text{SiO}_3)_4$ турдаги силикатлар қайд этилган ва унча кўп бўлмаган миқдорда кремний карбидининг кристалл фазалари аниқланган.

Арватен базальт ва серпентинитлари тажриба намуналарининг, ҳамда микрокремнеземнинг сканирловчи электрон микроскопда дастури ёрдамида Smart SEM билан таъминланган 100 мкм и 50 мкм оралигидаги турли масштабда олинган морфологик кўриниши 2-расмда келтирилган.




2-Расм. Арватен базальти (а) ва серпентинити (б), микрокремнеземларнинг (в) электрон микроскопик расми: кат.х1000

Арватен базальти намуналарининг электрон микроскоп расми (2а-расм) жуда оз миқдордаги дала шпати, карбонат ва хлоритлар аралашмаси бўлган кварц минералининг нисбатан бир жинслилигини кўрсатади. Базальт намунасида нисбатан кўп миқдордаги темирли (13,49 мас.%), алюминийли (9,09 мас.%), магнийли (5,22 мас.%) ҳамда уларга нисбатан кам миқдордаги кальцийли (1,83 мас.%) бирикмаларидан таркиб топган. Серпентинит намунасида (2б-расм) оливин минералининг магнетит билан аралашмаси кўрсатилган. Бунда, темирнинг оливиндан оксид шаклига, яъни магнетитга ўтиши ушбу тоғ жинсларида серпентинизация жараёни билан бирга борадиган оддий жараён ҳисобланади ва бошланғич табиий оливиндаги темирнинг миқдори 5-8 мас.% ташкил этади. Шундай қилиб, серпентинизация табиий жараёни, оксидланиш муҳитида темирни оксидланиши билан борадиган, яъни унинг силикат (оливин) шаклидан оксид (магнетит) шаклига ўтиши нисбатан паст ҳароратли жараён ҳисобланади.

Микрокремнеземни олинган микрофотографиясида (2в-расм) унинг заррачаларининг 1 мкм ўлчамгача бўлган агрегатларга бирлаштирилган 0,1-0,4 мкм ўлчамдаги сферик шаклидан ташкил топганлигини кўрсатади.

Арватен кони базальт намунасининг қиздириш эгри чизиғида 96, 623 ва 742°C ҳароратларда адсорбцион, кимёвий боғланган сувларга, ҳамда базальт минералининг декарбонизация жараёнига ва унинг структурасини парчаланишларига мос келган учта эндотермик эффектлар юзага келган. 559 ва 658°C ҳароратларда иккита экзотермик эффектларнинг юзага келиши β -кварцнинг α -кварцга ўтиши билан, ҳамда базальт намунасидаги аморф

фазанинг қайта кристалланиши билан тушунтирилади. Кейинги 786 ва 818°C ҳароратларидаги иккита экзотермик эффе́ктлар диопсид ва авгит минераллари янги кристалл структураларининг ҳосил бўлишининг бошланишига мос келади. 500-780°C ҳарорат оралиғида 10,96 % ни ташкил этган масса йўқотилиши билан биргаликда дегидратация ва декарбонизация жараёнлари юзага келади.




3-Расм. Арватен базальти намунасининг ДТТ расми

Арватен серпентинити тажриба намуналарининг дифференциал-термик таҳлили, масса йўқотилиши билан биргаликда 20-1100°C ҳарорат оралиғида олиб борилди. Унинг натижасида ҳарорат эгри чизиғида 185 ва 351°C ҳароратларда адсорбцион ва гидрат сувларнинг чиқишига мос боғлиқ равишда тўртта эндотермик эффе́кт юзага келган. 620°C ҳароратдаги учинчи эндотермик эффе́кт серпентинит бошланғич намунасида кристаллизация сувининг чиқишига, 776°C ҳароратдаги эндоэффе́кт эса декарбонизация жараёни билан тушунтирилади. ДТА эгри чизиғида 299 °C ҳароратда юзага келган экзотермик эффе́кт органик аралашмаларнинг ёниши билан боғлиқ. 559 ва 624°C ҳароратлардаги экзоэффе́ктлар табиий серпентинитнинг аморф структурасини парчаланиши ва минералдан газсимон углерод оксидининг чиқишига, яъни магний ва кальций карбонатларнинг парчаланишига боғлиқ.

Микрокремнезем намунасининг 20-1000°C ҳарорат оралиғида дифференциал-термик таҳлилидан олинган натижалар ДТТ эгри чизиғида 80°C ҳароратда адсорбцион сувнинг чиқишини кўрсатади. Бундан ташқари 430°C, 690°C ва 930°C ҳароратларда, гидрат сувни чиқишига, гетит минералини гематитга ўтишига, ҳамда $\alpha\text{-Fe}_2\text{O}_3$ мос равишда $\gamma\text{-Fe}_2\text{O}_3$ полиморф алмашилишига боғлиқ бўлган учта эндотермик эффе́кт кузатилади.


Серпентинит намунасининг ИҚ спектроскопия тадқиқоти (4-расм) силикат гуруҳидаги деформация ва валент тебранишларининг тўлиқ тўпламини кўрсатади. Ютилиш чизиғи частота соҳасининг бундай тўплами оливин, серпентинларга ва кичик интенсивлиги эса темирли магнетит минералларига тегишлидир. 520-980 cm^{-1} частота соҳасидаги ютилиш чизиғи $[\text{SiO}_4]_4$ гуруҳидаги SiO_4 тетраэдр тебранишига тегишлидир. 3700 cm^{-1} атрофидаги ютилиш чизиғи табиий серпентинит структурасидаги ОН гуруҳига мос келади.



4-Расм
Арватен серпентинити
намунасининг ИҚ-
спектри

Минерал тола олиш учун хомашё компонентларига термик қайта ишлов бериш ва суюқланма ҳосил қилиш жараёнлари замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ва шиша технологиясининг анъанавий усулларидадан фойдаланиб ўрганилган.

Арватен кони базальт ва серпентинит тажриба намуналарини куйдиришнинг турли босқичларида борадиган қаттиқ фазали реакция, пишиш, фазавий термик ўтишлар, минерал ҳосил бўлиш жараёнлари аниқланган бўлиб, олинган натижалар 5-расмда келтирилган.



5-Расм. Арватен базальт (а) ва серпентинити (б) турли ҳароратда куйдирилган намуналарининг рентгенограммалари:
а) 1-800; 2-900; 3-1000; 4-1100°C
б) 1-1200; 2-1100; 3-1000; 4-900 °C

Базальт ва серпентинит куйдирилган намуналарининг рентгенфазавий таҳлил натижалари базальт (5а-расм) ва серпентинит (5б-расм) намуналарини мос равишда 800-1100°C ва 900-1200°C ҳарорат оралиғида куйдириш жараёнида қаттиқ фазали кимёвий реакция содир бўлади, яъни хомашё

жинсида минерал янги кристалл фазаларини ҳосил қилиши орқали фазавий ўзгаришини кўрсатади.

800°C ҳароратда базальт намунасида кўп миқдордаги диопсид ва энстатит минераллари ҳосил бўлади ва куйдириш ҳароратининг ортиши билан диопсид минералига тегишли бўлган дифракция чизиқларининг интенсивлиги секин-аста ортади. Таъкидлаш лозимки, 1100°C ҳароратгача базальт намунасини куйдириш чоғида альбит минералининг дифракция чизиқлари тўлалигича йўқолади. Базальт намунаси бошланғич эриш ҳароратининг пастлиги (1090-1120°C) туфайли, альбит минералининг маълум миқдори структурасини ўзгартирмаган ҳолда, суюқ фаза ҳосил қилади.

Серпентинит куйдирилган намуналарининг рентгенфазавий таҳлил натижалари (5б-расм), куйдириш жараёнида 900°C ҳароратдан юқорида форстерит, клиноэнстатит минералларини интенсив равишда ҳосил бўлишининг бошланишини ва 1150-1200°C ҳароратда уларнинг миқдорларини максимумга эришишини кўрсатади. Умуман олганда, етарлича пиширилган серпентинитнинг фазавий таркиби асосан форстерит $2\text{MgO}\cdot\text{SiO}_2$, клиноэнстатит $\text{MgO}\cdot\text{SiO}_2$, ҳамда суюқ фаза иштирокидаги оз миқдордаги кремнезем ва темир оксидларидан таркиб топган бўлади.


Базальт, серпентинит ва микрокремнеземдан фойдаланилган иккиламчи ва учламчи системалар асосидаги куйдирилган тажриба намуналарида қаттиқ фазали ўтишларни ва эриш ҳароратларини аниқлаш учун, бошланғич компонентлардан бир қатор турли концентрациядаги таркиблар тайёрланди.

Базальт (Б), серпентинит (С), микрокремнезем (М) асосидаги учламчи системанинг компонент таркиблари, эриш ҳароратлари ва кристалланишнинг бирламчи фазалар бўлиб ҳисобланган α -тридимит (SiO_2), пироксен ($\text{Ca}(\text{Mg},\text{Fe})\text{Si}_2\text{O}_6$), клиноэнстатит ($\text{Mg}_2\text{Si}_2\text{O}_6$), гематит (Fe_2O_3), шпинель ($\text{FeO}\cdot\text{Fe}_2\text{O}_3$), плагиоклаз ($\text{NaAlSi}_3\text{O}_8\text{-CaAl}_2\text{Si}_2\text{O}_8$) ва оливин ($(\text{Mg},\text{Fe})_2[\text{SiO}_4]$) минералларининг кристалланиши 2-жадвалда келтирилган.

Эриш ҳароратини ва базальт суюқланмасидаги бирламчи фазалар кристалланишини аниқлаш натижалари бўйича “базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи системанинг, мос келган иккиламчи системаларнинг политермик кесимлари кўрсатилган ҳолдаги фазавий нисбат диаграммаси (6-расм) курилган. Термик қайта ишлаш натижасида куйдириш жараёнлари бошланғич хомашё минералларининг фазавий ўтишлари билан бориб, куйдирилган сополакда янги ҳосил бўлишларга, яъни олинган тайёр минерал момик намунасига зарурий физик-механик ва эксплуатация хоссаларини берувчи форстерит, клиноэнстатит, диопсид, магнетит, авгит ва кристобалит минераллари, ҳамда шиша кўринишидаги аморф фаза ҳосил бўлишига олиб келиши кўрсатилган.

**“Базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи системасининг
компонент таркиблари ва эриш ҳароратининг нуқталари, ҳамда
суюқланманинг кристалланиш фазалари**

Тар- киб	Компонентлар, мас.%			T _{эриш.} °C	Кристалланишнинг бошланғич фазалари
	Б	С	М		
1	60	10	30	1160	α-тридимит + пироксен+гематит
2	50	20	30	1180	α-тридимит + пироксен + клиноэнстатит + гематит
3	40	30	30	1215	α-тридимит + пироксен + клиноэнстатит + гематит
4	30	40	30	1240	α-тридимит + пироксен + клиноэнстатит + гематит
5	20	50	30	1260	α-тридимит + пироксен + клиноэнстатит + гематит
6	10	60	30	1275	α-тридимит +оливин + клиноэнстатит + шпинель
7	70	10	20	1130	Пироксен + плагиоклаз + гематит
8	60	20	20	1160	Пироксен + плагиоклаз + гематит
9	50	30	20	1185	α-тридимит + пироксен + клиноэнстатит + гематит
10	40	40	20	1215	α-тридимит + пироксен + клиноэнстатит + гематит
11	30	50	20	1245	α-тридимит + пироксен + клиноэнстатит + гематит
12	20	60	20	1260	α-тридимит + пироксен + клиноэнстатит + гематит
13	10	70	20	1275	α-тридимит + оливин +клиноэнстатит + шпинель
14	80	10	10	1115	Пироксен + плагиоклаз + гематит
15	70	20	10	1130	Пироксен + плагиоклаз + гематит
16	60	30	10	1165	Пироксен + плагиоклаз + гематит
17	50	40	10	1200	Пироксен + оливин + шпинель
18	40	50	10	1230	Пироксен + оливин + шпинель
19	30	60	10	1260	Пироксен + оливин + шпинель
20	20	70	10	1270	Пироксен + оливин + шпинель
21	10	80	10	1285	Пироксен + оливин + шпинель
22	85	10	5	1110	Пироксен + плагиоклаз + гематит
23	75	20	5	1125	Пироксен + плагиоклаз + гематит
24	65	30	5	1155	Пироксен + плагиоклаз + гематит
25	55	40	5	1200	Пироксен + оливин + шпинель
26	45	50	5	1220	Пироксен + оливин + шпинель
27	35	60	5	1240	Пироксен + оливин + шпинель
28	25	70	5	1265	Пироксен + оливин + шпинель
29	15	80	5	1275	Пироксен + оливин + шпинель
30	5	90	5	1290	Оливин + клиноэнстатит



6-Расм.
Иккиламчи система
политермик кесимлари
билан «базальт-серпентинит-
микрокремнезем» учламчи
системасининг
эриш диаграммаси

Умуман олганда, маҳаллий магматик, тошсимон ва иккиламчи ресурслар асосида турли мақсадлардаги талаб даражасидаги иссиқликни химояловчи материаллар учун минерал момиқ базальтли омухтасининг концентрация таркибларини ишлаб чиқиш имкониятлари мавжудлиги аниқланган.

Диссертациянинг “**Минерал момиқ омухта таркиблари ва олишнинг технологик режимларини ишлаб чиқиш ва мақбуллаштириш. Асосий хоссалари ва уларни тажриба ишлаб чиқариш синовлари. Олинган натижаларни тавсияси ва улардан фойдаланилгандаги иқтисодий самарадорликнинг ҳисоби**” деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар, жумладан Арватен кони базальт ва серпентинитлари, ҳамда “Ўзметкомбинат” АЖ ферросилиций ишлаб чиқаришдаги металлургия чиқиндиси (микрокремнезем) асосида кислоталик ва ёпишқоқлик модулларини ҳисобга олган ҳолда базальт сууқланмасининг мақбул омухта таркиблари ва олишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган.

“Базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи композициянинг ишлаб чиқилган таркиблари асосида минерал тола олиш учун қайнатишнинг технологик параметрлари ишлаб чиқилган бўлиб, унинг натижалари 3-жадвалда келтирилган.


3-Жадвал

Минерал пахта олиш учун мақбул омухта таркиблари

Намуналар номи	Компонентлар, мас.%			Мк	Мв
	Базальт	Серпентинит	Микрокремнезем		
БСМ-1	80	10	10	2,21	1,00
БСМ-2	75	15	10	2,08	0,99
БСМ-3	70	20	10	2,02	0,98
БСМ-4	70	15	15	2,31	1,08
БСМ-5	65	25	10	1,93	0,97
БСМ-6	65	20	15	2,21	1,07
БСМ-7	60	30	10	1,85	0,97
БСМ-8	60	25	15	2,09	1,06


Бунда минерал момикнинг мақбул таркиби бўлиб, Арватен базальтининг миқдори 60 дан 80 мас.% гача, Арватен серпентинитининг миқдори 10 дан 15 мас.% гача, ҳамда қўшилган аморф кремнеземининг миқдори 20 дан 30 мас.% гача ташкил этган намуналар ҳисобланади. 3-Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, БСМ-5, БСМ-7 ва БСМ-8 тажриба намуналаридан ташқари, қолган намуналар базальт толали минерал момик ишлаб чиқариш учун яроқсиздир, чунки уларнинг кислоталик модулининг қиймати талаб қилинган 1,6 дан 2,1 гача бўлган кўрсаткич оралиғидан ташқаридадир.

Базальт толасини олиш ва уларни технологик амалга ошириш учун хомашё компонентларининг кимё-минералогик таркиблари бўйича илмий ёндошувдан фойдаланилиб турли вариантдаги рецептуралар тайёрланди. Минерал момик олиш учун “базальт-серпентинит-микроремнезем” системасида ўрганилган ва мақбул таркиблар соҳаси 7-расмда келтирилган.



7-Расм.
«Базальт-серпентинит-микроремнезем» учламчи системасида ўрганилган ва мақбул концентрацион таркиблар соҳаси

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида “базальт-серпентинит-микроремнезем” учламчи системаси асосида минерал момик ишлаб чиқаришнинг технологик тизими (8-расм) ишлаб чиқилган.



8-Расм. Ишлаб чиқилган таркиб асосида минерал момик олишнинг технологик тизими

“Базальт-серпентинит-микроремнезем” учламчи композициясининг концентрацион таркиблари асосида минерал момик тажриба намуналарини олишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган ва уларнинг физик-

кимёвий ва технологик хусусиятлари тадқиқ этилган. Минерал момиқнинг тажриба намуналари учун энг яхши физик-механик ва технологик хусусиятларга эга бўлган БСМ-5, БСМ-7 ва БСМ-8 намуналар танлаб олинди. СП “BASALT WOOL”, шароитида иссиқликни ҳимояловчи материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган минерал момиқ олиш учун кўрсатилган намуналарда тажриба ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди.

“Базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи системаси асосида олинган минерал пахтанинг тажриба ишлаб чиқариш намуналарининг зарурий физик-механик ва технологик хусусиятларини аниқлаш учун синов ишлари олиб борилди. Аниқлашдан олинган натижалар, базальт аралашмасида серпентинит ва микрокремнеземнинг мақбул миқдорлари мос равишда 20 мас.% ва 10 мас.% ларни ташкил этишини кўрсатди. Ушбу модификацияловчи қўшимчаларни кўрсатилган миқдордан кўп ёки кам киритилиши минерал момиқнинг технологик хусусиятларига салбий таъсир кўрсатади. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш учун тайёрланган БСМ-5, БСМ-7 ва БСМ-8 намуналари хоссаларининг кўрсаткичлари (4-жадвал) ГОСТ 4640-2011 талабларига тўлиқ мос келди.

4-Жадвал

Учламчи композиция асосида олинган минерал момиқнинг физик-механик ва технологик хоссалари

Кўрсаткичлари	ГОСТ 4640- 2011	Минерал пахта тажриба намуналари		
		БСМ-5	БСМ-7	БСМ-8
Зичлиги, кг/м ³ , кўп эмас	50	38	40	34
Кислоталик модули, кам эмас	1,6	1,93	1,85	2,09
Сувга чидамлилиги, рН, кўп эмас	4,0	2,7	2,8	2,4
Толанинг ўртача ўлчами, мкм, кўп эмас	6,0	3,5	3,3	3,0
Иссиқлик ўтказувчанлиги*, Вт/(м·К), кўп эмас, ҳароратларда: 283 К (10 °С) 298 К (25 °С)	0,038	0,034	0,035	0,033
	0,039	0,036	0,037	0,035
Намлиги, % масса бўйича, кўп эмас	1,0	1,0	1,0	1,0
ГОСТ 4640-2011 бўйича маркаси	50/35	50	50	35

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, базальт суяқланмасини қайнатиш учун 1550-1600°С оралиғидаги зарурий ҳарорат талаб этилади. Минерал момиқ олиш учун бошланғич хомашё компонентларини танлаш ҳисобига ишлаб чиқилган таркиблар асосида нисбатан паст ҳароратда (1420-1450°С) қайнатишга эришилди. Янги рецептура асосида минерал момиқ ишлаб чиқаришдаги кутилаётган иқтисодий самарадорлик ҳисобининг натижалари “BASALT WOOL” КҚ шароитида тоннасига 1 702500 сўмни ташкил этишини кўрсатади.

Шундай қилиб, тажрибадан олинган маълумотлар “базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи композицияси асосида ишлаб чиқилган минерал момиқнинг, амалдаги стандартнинг ҳамма зарурий талабларга мос келиши ва турли мақсадлардаги иссиқликни ҳимояловчи материаллар сифатида фойдаланиш мумкинлиги, ҳақида далолат беради.

ХУЛОСА

1. Арватен кони базальти ва серпентинити, ҳамда “Ўзметкомбинат” АЖ ферросилиций ишлаб чиқариш чиқиндиси микрокремнезем асосидаги хомашё ва тажрибавий тола намуналарининг кимё-минералогик таркибларини, физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш орқали минерал момик учун истиқболли хомашё компонентлари танлаб олинган. Хомашё компонентларининг қаттиқ фазада пишиш ва базальт суюқланмасининг қайнаш жараёнлари ўрганилган.

2. Иккиламчи системалар “базальт-серпентинит”, “базальт-микрокремнезем”, “серпентинит-микрокремнезем” асосидаги тажриба намуналарида, ҳароратнинг турли босқичларида борадиган пишишнинг физик-кимёвий жараёнлари ва термик фазавий ўтишлари, минерал ҳосил бўлишлари, суюқланма ҳосил бўлишлари тадқиқ этилган. Базальт суюқланмасининг кристалланишида бирламчи фаза кўрсатилган ва учламчи системанинг фазавий нисбат диаграммаси қурилган.

3. “Базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи диаграммасида базальт тола олиш учун ўрганилган ва мақбул омукта таркибларининг соҳалари кўрсатилган. Куйдиришда хомашё минералларининг фазавий ўтишлари билан бориб, куйдирилган намунада, олинган базальт толасига зарурий физик-механик ва технологик хоссаларни берувчи янги, жумладан форстерит, клиноэнстатит, диопсид, магнетит, авгит, кристобалит ва аморф шиша фазасини ҳосил бўлишларга олиб келиши аниқланган.

4. Кислоталик ва ёпишқоқлик модулларини ҳисобга олган ҳолдаги базальт суюқланмасидаги Арватен базальтининг миқдори 60 дан 80 мас.% гача, Арватен серпентинити 10 дан 15 мас.% гача, ҳамда микрокремнезем 20 дан 30 мас.% гача бўлган мақбул омукта таркиблари ва олишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган. «Базальт-серпентинит-микрокремнезем» учламчи системасида минерал момик олиш учун мақбул таркиб соҳалари аниқланган.

5. “Базальт-серпентинит-микрокремнезем” учламчи композицияси асосида минерал момикнинг тажриба намуналарини олишнинг технологик режимлари ишлаб чиқилган ва уларнинг физик-кимёвий ҳамда технологик хусусиятлари тадқиқ этилган. шароитида минерал момик олиш учун энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган БСМ-5, БСМ-7 ва БСМ-8 намуналарда “BASALT WOOL” КҚ шароитида ишлаб чиқариш тажриба синовлари ўтказилган. Минерал момик тажриба намуналарининг физик-механик ва технологик кўрсаткичлари бўйича амалдаги ГОСТ 4640-2011 стандарт талабларига мос келиши аниқланган.

6. Ишлаб чиқилган таркиб асосида минерал момик олиш учун хомашё компонентларини танлаш ҳисобига базальт аралашмасини нисбатан паст ҳароратда (1420-1450°C) қайнатишга эришилган. Янги рецептура асосида минерал момик ишлаб чиқаришдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик “BASALT WOOL” КҚ шароитида тоннасига 1 702 500 сумни ташкил этган.

7. Олинган илмий натижалардан маҳаллий ресурслар асосида турли мақсадлардаги иссиқликни ҳимояловчи материаллар олиш учун базальт толасини ишлаб чиқариш бўйича қўлланма материал сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC 02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

КАЗАКОВА МУНИРА НАРЗИКУЛОВНА

**РАСПЛАВООБРАЗОВАНИЕ В КОМПОЗИЦИИ «БАЗАЛЬТ-
СЕРПЕНТИНИТ» И РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ НА
ИХ ОСНОВЕ МИНЕРАЛЬНОГО ВОЛОКНА**

**02.00.13-Технология неорганических веществ и материалы на их основе
02.00.15-Технология силикатных и тугоплавких неметаллических материалов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
(PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2023.4.PhD/T4105 в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен в веб-странице научного совета www.iohx.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Эминов Азизжон Ашрапович доктор технических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Сабиров Бахтиёр Тохтаевич доктор технических наук, старший научный сотрудник Искендеров Ахмет Максетбаевич доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Навоийский государственный горно-технологический университет

Защита диссертации состоится «12» июля 2024 году в 10⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета DSc.02/05.05.2023.K/T.35.02 при Институте общей и неорганической химии АН РУз. по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; e-mail: iohx@academy.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (указан под номером 25). (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан « 27 » июня 2024 года
(реестр протокола рассылки № 25 от « 27 » июня 2024 года)

Н.Х. Усанбаев

председатель разового научного совета
по присуждению ученой степени, д.х.н.

Ж.С. Шукуров

Учёный секретарь разового научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н.

Ш.С. Намазов

Председатель разового научного семинара
при разовом научном совете по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф., академик

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость диссертационной темы. Во всем мире одной из важнейших проблем производства является расширение отечественной сырьевой базы за счет привлечения новых месторождений минеральных ресурсов, а также промышленных отходов. В производстве теплоизоляционных материалов наиболее приемлемым сырьем для получения минеральных волокон с уникальными свойствами показали себя магматические породы – базальты, порфирит, габбро - диабазы, которые имеют стабильный химико-минералогический состав, экологичны и пожаробезопасны. Ведущие ученые различных стран по праву считают базальтовые волокна основой материаловедения XXI века и прочат им самое перспективное будущее в дальнейшем развитии мирового технического прогресса. Базальтовые волокна полностью заменили канцерогенный асбест во всех областях его применения, превосходя по основным свойствам более чем в три раза, в том числе и по теплоизоляционным характеристикам, благодаря чему имеют большое значение.

В настоящее время в мире широко проводятся научно-исследовательские работы по исследованию процессов спекания, расплавообразования, фазовых превращений магматических пород. В этом плане уделяется особое внимание: интенсификации производства получения базальтового волокна с модифицирующими добавками; управлению физико-химическими процессами варки смеси с учетом модуля кислотности исходных компонентов и вязкости расплавов тройных систем при различных интервалах температур; обоснованию влияния химико-минералогического состава и температуры на образование новых кристаллических фаз минералов, полученных в результате фазовых превращений исходных компонентов; установлению технологических режимов получения минеральной ваты на основе разработанной рецептуры базальтовой смеси.

В республике осуществляются широкомасштабные мероприятия по технологии производства теплоизоляционных материалов на основе магматических пород, с изучением их физико-механических, технологических свойств и достигнуты определенные научные и практические результаты. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 гг. отмечено, что объем строительных материалов следует увеличить в 2 раза, расширить сырьевую базу за счет вовлечения нетрадиционных нерудных сырьевых и вторичных ресурсов, разработать и внедрить безотходную технологию в рамках «Зеленой экономики».¹ В этом плане приобретает особое значение проведение научно-исследовательских работ по разработке низкотемпературной технологии получения базальтоволокнистых минеральных ват для теплоизоляционных материалов на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП № 60 от 28 января 2022 г. «О Стратегии Развития

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы».

Нового Узбекистана на 2022-2026 гг.», УП № 4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4335 от 23 мая 2019 г. «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов», ПП № 2698 от 26 декабря 2016 г. «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 гг.», а также в других нормативно-правовых документах, принятых по данной сфере.

Соответствие исследований с основными приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан. VII «Химическая технология и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В опубликованных литературных источниках широко освещены вопросы, посвященные физико-химическим исследованиям процессов плавления, низкотемпературной варки базальтового волокна, разработке составов и технологий получения базальтоволоконистых материалов на основе минерально-сырьевых и вторичных ресурсов, а также улучшению их физико-механических и технологических свойств. Этими вопросами также занимались ведущие ученые разных стран, такие как А.А.Ботвинкин, П.П.Будников, М.Китайгородский, К.Горняй, Ю.П.Горлов, А.Меркин, А.В.Хандошка, Б.И.Ворожцова С.Г.Власова, А.А. Устенко, Д. Джигирис, М.Ф. Максов, В. Дубровский, Д.Зимин, Н.Ходаков, Н. Аблесимов, С.Buratti, E.Moretti, M.Francesca, F.Akkurt, M.Barczewski, C.Seghini, и многие другие ученые посвятили свои исследования изучению свойств и структуры силикатных расплавов.

В Республике проведен ряд исследований по получению камнелитейных, теплоизоляционных материалов различного назначения на основе отечественных нетрадиционных магматических и каменных минерально-сырьевых ресурсов с использованием отходов различной промышленности. Основные научные работы по данному направлению отражены в исследованиях, проведенных учеными: Н.А.Сиражиддиновым, А.А.Исмаатовым, З.Р.Кадыровой, П.А.Арифовым, Ш.А.Файзиевым, Д.Д. Гуламовым и др.

Однако, несмотря на очевидные полученные результаты, отсутствует достоверная и научно-обоснованная информация по получению минеральной ваты и волокон для теплоизоляционных материалов на основе тройной композиции “базальт-серпентинит-микрокремнезём” при использовании энерго- и ресурсосберегающих технологий производства с учетом экономических и экологических аспектов.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами в организации, где выполняется диссертация. Диссертационная работа выполнена в Институте общей и неорганической химии АН РУз в рамках научно-технического проекта ПЗ-20170920189 «Разработка

